

2019

Compossession “Maslak ul-Muttaqin” Sufi-Allohyor to the Turk (old Uzbek)-Persian literature

Nargiza Shoaliyeva

International Islamic Academy of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Shoaliyeva, Nargiza (2019) "Compossession “Maslak ul-Muttaqin” Sufi-Allohyor to the Turk (old Uzbek)-Persian literature," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss2/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Nargiza SHOALIYEVA,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

СЎФИ ОЛЛОЁРНИНГ «МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН» АСАРИ ФОРС ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА

ПРОИЗВЕДЕНИЯ «МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН» СУФИ АЛЛАЯРА В ТЮРКСКО-ПЕРСИДСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

COMPOSITION "MASLAK UL-MUTTAQIN" SUFI-ALLOHYOR TO THE TURK (OLD UZBEK)-PERSIAN LITERATURE

Калит сўзлар: *Сўфи Оллоёр, туркий-ўзбек, форс-тожик адабиёти, «Маслак ул-муттақин», дин, шариаат, шеър.*

Ключевые слова: *Суфи Аллаяр, тюркско-староузбекский, персидско-таджикская литература, «Маслак ул-муттақин», религия, шариаат, стихотворения.*

Key words: *Sufi Allahyor, Turkic, Old Uzbek, Persian-Tajik literature, Maslak ul-Muttaqin, religion, Sharia, poems.*

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида яшаб, туркий ва форсий тилларда ижод этган ўзбек адабиётининг забардаст сиймоларидан бири, зуллисонайн шоир, фақиҳ, нақшбандия тарикатининг йирик вакилларида бири Сўфи Оллоёр ўзбек ва форс-тожик адабий алоқалари ва ушбу икки адабиёт таркибида шакланган зуллисонайлик анъанаси ривожига муносиб ҳисса қўшган.

Сўфи Оллоёр форс-тожик тилида «Маслак ул-муттақин» ва «Мурод ул-орифин», туркий-ўзбек тилида «Сабот ул-ожизин» ва араб тилида «Махзан ул-мутеъийн» номли асарлар ёзган. Баъзи олимлар «Нажот ут-толибин» ва «Фавз ун-нажот» китобларини ҳам Сўфи Оллоёрга нисбат бердилар.

Октябрь тўнтаришига қадар бу асарлар минтақадаги форсий ва туркий тилда сўзлашувчи ҳар бир мўмин ва мусулмон томонидан эъзозланиб, ўқиб келинган. Бу асарларга арабий, форсий ва туркий шарҳлар битилган. Махсус луғатлар тузилган.

Сўнгги 20 йил ичида Сўфи Оллоёр ижодини илмий жиҳатдан ўрганиш ишлари жадаллашди. Ўз-

бекистонда И.Сувонқулов, Р.Зоҳидов, Россия Федерациясида Г.Илясова, Н.Собиров каби олим ва тадқиқотчилар Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижоди ҳақида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. Филология фанлари доктори Р.Зоҳидов «Сабот ул-ожизин»нинг илмий-танқидий матнини яратди. Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Акрам Дехқонлар «Маслак ул-муттақин»нинг XIX асрнинг иккинчи ярмида Қозихўжа ибн Ҳафизхўжа томонидан ўзбек тилига қилинган насрий таржимасини нашрга тайёрлаб, чоп эттиришди.

Деярли барча тадқиқотларда Сўфи Оллоёрнинг минтақа ижтимоий тафаккурига сезиларли таъсир кўрсатган асосий асари сифатида «Маслак ул-муттақин» асари тилга олинган бўлса-да, бугунги кунгача мазкур асар айтарли ўрганилмади. Мазкур мақолада «Маслак ул-муттақин» асарининг мундарижаси, асарнинг биографик хусусиятлари каби масалаларни ёритиш ният қилинди.

Сўфи Оллоёр ижоди билан қизиққан кишилар «Маслак ул-муттақин»ни ўқиб, унинг дил даралари, айниқса, руҳий кечинмаларидан ҳам воқиф бўладилар. «Муножот», «Мусанниф камчиликларининг баёни», «Фарзанди аржумандга насиҳат» каби боблар шу жиҳатдан эътиборлидир.

Сўфи Оллоёр сайид, хожалардан эмаслигини асарнинг бир неча жойида таъкидлаш билан бирга, камтарлик қилиб, ўзини ўзи қийиқди, «ёмон инсонларданман», дейди:

*Сайиду хожа нести, эй турк,
Балки ҳасти миёни туркон гург. [4;4 б.]*

Ёки:

*Пас, ту эй туркзоди кўтаҳақл,
Ончи суннат, адаб, ки карди нақл.*

(Маъноси: Сайид ва хожа эмассан, эй турк, балки турклар орасида бир бўрисан. Ёки: агарчи сен ақли кам турклардан бўлсангда, суннат ва адабдан сўзладинг). Бошқа бир жойда «хожа, мир, шайхзода эмасман», деса, яна бир ўринда «манки ҳастам зи ўзбакон», яъни «менки ўзбекларданман...» дейди. У беҳуда ўтган умридан, ёмон қилмишларидан пушаймон бўлади, ўша кунларни ачиниб, ҳатто нафрат билан эслайди:

Мақолада XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида яшаб ўтган ўзбек адабиётининг забардаст сиймоларидан бири, фақиҳ, нақшбандия тариқатининг йирик вакилларида бўлган Сўфи Оллоёрнинг ҳаёти ва ижоди ёритилган. Унинг ижодий йўли, ўзбек, форс-тожик адабий алоқаларидаги ўрни ва ушбу икки адабиёт таркибида шаклланган зуллисонайлик анъанаси унинг ижодида аниқланди. Сўфи Оллоёр ижодининг моҳияти, шариатни ўрганиши, билиши, тарғиб ва ташвиқоти, унга амал қилиб садоқат кўрсатиши унинг шеърлари мисолида кўрсатиб берилди.

Сўфи Оллоёр форс-тожик тилида «Маслак ул-муттақин» ва «Мурод ул-орифин», туркий-ўзбек тилида «Сабот ул-ожизин» ва араб тилида «Махзан ул-муттеъийн» номли асарлар ёзган. Бу мақолада Сўфи Оллоёрнинг айнан форс тилида яратган «Маслак ул-муттақин» асари ўрганилиб, унинг мазмунини ёритиб бериш учун асардаги шеърий намуналар ўгирилиб таҳлил қилинди, фақиҳ шоирнинг дил дардлари, айниқса, руҳий кечинмаларидан ҳам воқиф бўлинди. «Муножот», «Мусанниф камчиликларининг баёни», «Фарзанди аржумандга насиҳат» каби боблар шу жиҳатдан эътиборлидир. Шоир яшаган замондаги ижтимоий муаммолар, омнинг динга эътиқоди заифлашганлиги фақиҳ шоирнинг диққат марказида бўлиб, асарнинг ёзилишини асосий мақсади деб таъкидлаганлиги унинг шеърлари мисолида кўрсатиб берилди. Мақолада «Маслак ул-муттақин»нинг илк нашри қарда ва ким томондан амалга оширилгани ҳақида маълумотлар келтирилган.

Целью статьи является выявление развития традиций двуязычной связи между узбекской и персидско-таджикской литературой в творчестве известной фигуры в узбекской литературе, двуязычного поэта, знатока исламского права, представителя суфийского братства нақшбандия Суфи Аллаяра, творчество которого приходится ко второй половине XVII и началу XVIII вв. Важность, значение и смысл шариата, смысл верности шариату, а также служение ему показано на примере произведения поэта «Маслак ул-муттақин».

Интересующийся произведением «Маслак ул-муттақин» поймет, что поэт высказывает свою душевную боль и страдания. В частности, главы «Песнопения», «Описание недостатков Мусаннифа», «Наставления дорогому чаду» имеют большое значение для понимания духовного мира автора. Общественные проблемы того времени и ослабленная вера народа в религию, понудило его, по его собственному признанию, призывать народ посредством своих стихов встать на правильный путь шариата. В данной статье переведены некоторые отрывки стихов, их смысл передан и проанализирован на узбекском языке. Сўфи Аллаяр написал свои произведения «Маслак ул-муттақин», и «Мурад ул-арифин» на персидско-таджикском языке, «Сабот ул-ожизин» на тюрком-староузбекском языке, а произведение «Махзан-ул-муттеъийн» было написано им на арабском языке. В данной статье рассматривается и анализируется произведение «Маслак ул-муттақин» и представляется информация о его издании.

The aim of the article is to identify the development of bilingual communication traditions between Uzbek and Persian-Tajik literature in the works of a famous figure in Uzbek literature, a bilingual poet Sufi Allahyor. Sufi Allahyor was a connoisseur of Islamic law, a representative of Sufi Nakshbandi brotherhood. His work falls to the second half of the 17th and early 18th centuries.

The importance and meaning of Sharia, the meaning of loyalty to Sharia, as well as serving it, is shown on the example of the poet's work "Maslak ul -Muttaqin".

Those who interested in the work "Maslak ul-Muttaqin" will understand that the poet expresses his heartache and suffering. In particular, the chapters «Hymns,» «Descriptions of the shortcomings of Musannif,» «Instructions to the Dear Child,» are of great importance for understanding the author's spiritual world. The social problems of that time, and the weakened faith of the people in religion, led him, by his own admission, to call on the people, through his poems, to take the right path to Sharia. This article contains translations of some passages of poems, and their meaning is transmitted and analyzed in the Uzbek language.

Sufi Allahyor wrote his works «Maslak ul-Muttaqin», and «Murad ul-Arifin» in the Persian-Tajik language, «Sabat ul-Ozdizin» was written in the Turkic - Old Uzbek language, and the work «Makhzan-ul-Mutta'in» was written by him in Arabic. This article examines and analyzes the work «Maslak ul-Muttaqin» and presents information about its publication.

*Аввалиҳои ман агар нурсӣ,
Зуд аз ман гурезию тарсӣ.
Хизмати шоҳи аср мекардам,
Нони заққуму захр мехўрдам. [4;4 б.]*

(Маъноси: Аввалроқ мен ҳақимда сўраганингизда, мендан қўрқиб, қочардингиз, замон шоҳи-

нинг хизматини килардим, захар нонини ердим). Сўфи Оллоёр гумроҳликда юрган кезлари ногаҳон Аллоҳ инояти билан бахти чошиб, дарвешларга қўшилиб қолади. Ҳақиқат йўлига киргач, қалбини зулмат тарк этиб, илоҳий нур чулғайди. Шоир Аллоҳнинг бу тавфиқ ва ҳидоятини мамнуният билан қайд этади:

*Ногаҳон аз инояти Борӣ,
Дод султони бахти ман ёрӣ.
Токи гаширам муҳибби дарвешон,
Ёфтам сўхбати хуши эшон.*

(Маъноси: Ногаҳон Худонинг инояти билан, бахтимнинг султони ёрдамида дарвешларнинг дўсти бўлиб, уларнинг хуш сўзларини топдим). Сўфини тариқатга йўлаган, унинг сир-асрори, роҳу равишидан таълим берган пири муршиди Хожа Наврўздир. Бу нуфузли шахс вали ва тақводор сифатида таърифланади:

*Номи поки муборакаш Наврўз,
Пой то сар тамом дарду сўз.
Васфи эшон агар баён созам,
Нест мумкин баёни он созам. [4;6 б.]*

(Маъноси: Муборак пок исми Наврўз эди, бошдан оёғигача дарду алам эди. Уни таърифламоқчи бўлсам, сўз билан таърифлай олмайман). Шоир руҳиятига, ботиний дунёсига таъсир қилган пирини васф қилиб, унга қўл берганини, олдин ёмон, гумроҳ одам бўлса ҳам, кейин пиридан марҳаматлар кўрганини, ҳатто назм айтишда ҳам пирлар иноят кўргизишганини мана бундай ифодалайди:

*Гар набошад инояти пирон,
Пой то фарқи ман бувад исён.
Варна ман кию назм гуфтан кӣ,
Гавҳари имтисол суфтан кӣ? [4;6 б.]*

(Маъноси: Агар пирлар ҳидояти бўлмаганда, бошимдан оёғимгача исён эди, бўлмаса ман кимману, назм гавҳарини яратиш қайда?). Сўфи Оллоёр нақшбандия тариқатига мансуб бўлган. У бу ҳақда асарнинг ҳамд қисмидаёқ айтиб ўтган:

*Лутфи худро ба раъс шомил кард,
Ҳамраҳи комилу мукамил кард.
Дод моро тариқи марзийя,
Яъни маслуки нақшбандийя. [4;7 б.]*

(Маъноси: Аллоҳ ўз лутфини бошимизга ёғдирди. Бизни комил ва мукамал пирга ҳамроҳ қилди. Бизга тариқи марзийя, яъни нақшбандия сулукини ато этди).

Совет даврида Сўфи Оллоёр ижодини ўрганиш диний-мистик адабиёт тамғаси остида тақиқлаб ке-

линди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Сўфи Оллоёр ижоди ҳам кенг тарғиб этила бошланди. Асарларининг баъзилари нашр этилди. Ҳаёти ва ижодиёти илмий муомалага киритилди.

Сўфи Оллоёр «Маслак ул-муттақин»ни ёзиш сабабларини асарида кўрсатиб ўтади. Камтарлик қилиб, асаримни улуғ олимлар учун эмас, балки араб тилини билмайдиган баъзи авом кишилар учун ёздим, дейди:

*Пора мардум шикастапо ҳастанд,
Толиби шаръи Мустафо ҳастанд.
Фаҳмашон баёни ҳақталабӣ,
На нашинад ба нусхаи арабӣ.
Шояд он халқро муфид бувад,
Гуфтани ман ба ин умид бувад.
Шояд онро авом бархонанд,
Сурати эътиқоди худ донанд. [4;7 б.]*

(Маъноси: Бир бўлак халқнинг қўллари калтадир, Мустафо шариати толибидир, ҳақ йўлини тушунишга араб тилида кийналади, балки бу халққа фойдаси тегар деган умидда бу сўзларни айтдим, балки уни авом ўқийди, ўзларининг эътиқоди юзини кўрарлар). Ҳақиқатан ҳам, бу асар эҳтиёж юзасидан ёзилган. Ўзбек диний уламоларидан Шайх Абдулазиз Мансур шундай эътироф этган: «Сўфи Оллоёр ҳазратларининг «Маслакул муттақин» асари ёзилгандан буён то ҳозирги кунга қадар ҳанафий мазҳабидаги мусулмонларнинг, айниқса фикҳ илми билан қизиқувчи уламоларнинг диққатини ўзига жалб этиб келади. Асар форс тилида битилган бўлса-да, ундан бошқа тилларда сўзлашувчи китобхонлар ҳам кенг фойдаланадилар, чунки олдиндан ислом манбалари Мовароуннаҳрда асосан араб, форс-тожик ва турк-ўзбек тилларида ёзилар ва олим уламоалар уларнинг ҳаммасини бемалол мутолаа қила олар эдилар. Лекин шунга қарамай, кейинги бир аср мобайнида форс-тожик адабиёти билан шуғулланиш, ўрганиш ва оммалаштириш ишлари айниқса, Ўзбекистонда анча сусайиб қолган эди. Хусусан, диний адабиётлар ичида араб ва форс тилида битилганларини тўла мутолаа қиладиган олимлар ҳам жуда камайиб кетган эди. Беадад шукрлар айта-мизки, жумҳуриятимиз мустақиллиги туфайли яна қайтадан диний ва миллий қадриятларимиз тиклана бошлади. Тафсир, ҳадис, фикҳ, тасаввуф каби мавзуларга олимларимиз бемалол ружуъ қиладиган бўлишди».

Машхур ўзбек олими марҳум профессор Нажмиддин Комилов асар ҳақида шундай деган: «Мазкур асар муаллифнинг бошқа асарлари каби ислом аҳкомлари, комил мусулмонларнинг имону эътиқоди, шариат талабларини шеърӣ йўсинда баён қилиб беради, аҳли мўминни тақво ва тоатга даъват этиш асарнинг бош мақсадидир. «Маслакул муттақин» Ўрта Осиё мусулмонлари орасида кенг тарқалган. Сабаби, у содда тилда ёзилган. Сўфи Оллоёрнинг мақсади ҳам шу эди. Зеро, форс тилида ҳам илмий ва ҳам насрий ёки назмий йўсинда ёзилган диний асарлар кўп. Аммо Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Ҳисор ва бошқа ерларнинг ўзбеклари каби тожиклари ҳам мураккаб форсий китобларни тушунишга қийналардилар. «Чор китоб» каби китоблар мактаб болаларига мўлжалланган бўлиб, катталар учун кифоя қилмади. Сўфи Оллоёр ана шу эҳтиёжни сезади ва ўзининг икки тилда баравар ижод қила олиш қобилиятидан фойдаланиб, аввал тожик тилида «Маслак ул-муттақин»ни, сўнгра ўзбек тилида «Сабот ул-ожизин»ни ёзади».

«Маслак ул-муттақин» арузнинг хафиф баҳрига мансуб, фоилотун мафоилун фаълон (-v--v-v--~) вазнида ёзилган. Умумий ҳажми ўн икки минг байтдан ортиқроқ. Буни шоир «Сабот-ул-ожизин»да қуйидагича қайд этган:

*Битибсан форсий тилда китобе,
Тамом анда масоилнинг жавобе.
Ҳама тақвову фатвонинг баёни,
Ўн икки мингдан ортуқ байти они. [5;10 б.]*

Шоир «Маслак ул-муттақин»да унинг ёзилган йилини қуйидаги сатрларда кўрсатиб ўтган:

*Шукрҳо бо Худо зи баъди салот,
Фитр, қурбониву китоби закот.
Дар ҳазору саду дувоздаҳ ийн,
Шуд адо муҷмалан алат-таъйин. [4;15 б.]*

(Аллоҳга шукрлар бўлсинки, намоз, фитр, қурбонлик, закот ҳақидаги китоб 1112 ҳижрий қамарий (1700–1701) йилда ёзиб тугалланди.)

Демак, Сўфи Оллоёр бу асарини эллик ёшлар атрофида ёзган, деб тахмин қилиш мумкин.

«Маслак ул-муттақин» мадрасаларда махсус ўқитилган. Ушбу асарни толиби илмлар қисқача номлаб, «Маслак» деб атаганлар. Унга шарҳлар ҳамда махсус луғат китоблар тузилган. Бу асар тур-

кий тилга ҳам таржима қилинган бўлиб, қўлёзма ҳолида тарқалган.

«Маслакул муттақин»нинг тошбосма ва қўлёзма нусхалари Ўрта Осиё, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга кенг ёйилган. Жумладан, «Маслак ул-муттақин» асари Ҳиндистоннинг Конпур шаҳри, «Навалкишвар» матбаасида 1290 ҳижрий (1873 милодий) йили чоп этилган. Китобнинг охириги саҳифасида шундай таърифу тавсифли сўзлар ёзилган: «... дар ин замони юмн иқтирон китоби тақво, нисоб дар масоили беназир бил яқин «Маслак ул-муттақин» муаллифуҳу олими ажалл, алломаи акмал, маъруфи жаҳон Сўфи Оллоёрхонки, дар масоили зарурии намоз, рўза ва закот ва фитр мўъжизист касирун нафъ, саҳли мумтанеъ...» (Бу хушбахтлик яқин замонда тақво китоби, ишончли, беназир масалаларнинг асли «Маслак ул-муттақин»ким, унинг муаллифи жаҳонга танилган, замон олими, энг комил аллома – Сўфи Оллоёрхон намоз, рўза, закот ва фитр каби зарурий масалаларни мухтасар, ниҳоятда фойдали, саҳли мумтанеъ [11;6 б.] (услубида) баён этган).

Шоир пирининг инояти билан жиддий илм ўқиганлиги, бу китобни ёзиб, унга «Маслак ул-муттақин» деб ном қўйганлигини ҳам айтиб ўтади:

*Қаряи назро ниҳодам гом,
«Маслак ул-муттақин» ниҳодам ном. [4;15 б.]*

Бу китобнинг ёзилиш сабабларидан яна бири Сўфи Оллоёр яшаган даврларга келиб ислом динининг бир қадар сусайиши, натижада ахлоқсизликнинг кучайиши (бемехрлик, шаробхўрлик, зинкорлик, фаҳш, зулм ва зўравонликнинг кенг авж олиши) бўлган. Бу тўғрида шоирнинг махсус таъкидлари борки, қуйидаги байт шулардан биридир:

*Эй дариго, ки андар ин айём,
Рафта заъфи аҷиб дар ислом. [4;8 б.]*

Муаллифнинг эътирофига кўра, динни заифлаштирадиган гумроҳлар ва гуруҳлар ҳам бўлган: «... Ўзларига маҳлиё бўлган яна бир неча гумроҳлар пайдо бўлишди. Уларнинг номи «мубоҳийя» бўлиб, ўзларини сўфий кўрсатадилар. Улар ҳаром касбга майл қилиб, жоҳилларни ўзларига ром қиладилар... яна бир қанча паст андишали кишилар даққоқликлари туфайли ўзларини девона деб атайдилар, ўз феълларини мастона бажарадилар. Уларнинг ишла-

ри ё Қуръонга хилоф, ё жину шайтон васвасасидан-дир» [6;10].

Хўш, бундай воқеа ва ҳолатларга баъзи шайхлик даъвосидаги зоҳидлар, дин ва шариат номидан ҳукм юритувчи олиму уламолар, амир ва ҳукмронлар бе-фарқ қараб туришганми? Улар нега ислом истиқболи учун курашмаганлар? Бу саволларга мана бу мисралардаги танқидий фикрлар жавобдир:

*Ҳам дар ин балдаҳои мо донӣ,
Заъф рафтааст дари мусулмонӣ.
Зоҳидоне, ки шайх номиданд,
Хештанро бузурги Ҳақ диданд.
Суннати Мустафо гузоштаанд,
Рӯи дил бар ҳудус доштаанд.
Баъзи аз олимон чунон шудаанд,
Фитнаомӯзи оламиён шудаанд.
Қавли ўро писанд месозанд,
Моли мардум било ибтозанд.
З-ин сабаб золимон далер шуданд,
Аз барои гирифт-гир шуданд. [4;20 б.]*

(Маъноси: Бизнинг шаҳарларда мусулмончилик эшиги заифлашди. Ўзларини шайх деб атаган зоҳидлар ўзларини Худонинг улуғ бандаси деб билдилар. Мустафонинг саллаллоҳу алайҳи васаллам суннатини тарк қилиб, қалб юзини бидъат ишларига қаратдилар. Баъзи бир олимлар оламларга фитна солувчи бўлганлар. Одамлар уларнинг сўзини писанд этсалар-да, улар одамларнинг молини уялмасдан тортиб оладилар. Шу сабабдан золимлар жасур, улар «олҳа-ол»га мубтало бўлганлар).

Сўфи Оллоёр ижодининг моҳияти, тарғиб ва ташвиқоти шариатни ўрганиш, билиш, унга амал қилиб садоқат кўрсатишдан иборатдир. Шоир асарида кўтарилган ҳар бир ғояни шариат ҳукми, Қуръон ва ҳадис асосида шарҳлаб, тушунтириб беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Сўфи Оллоёрнинг арабий, форсий ва туркий тилларда ёзилган асарлари салкам 200 йил давомида Марказий Осиё, Татаристон ва Бошқирдистондаги диний мадрасаларда ўқитилган.

«Маслак ул-муттақин» асари 100 дан ортиқ диний ва тасаввуфий рисолаининг хулосаси сифатида дунёга келган асар бўлиб, содда услуб ва тушунарли тилда ёзилганлиги сабабли омма орасида

катта шуҳрат топди. «Сабот ул-ожизин» асарининг муқаддимасида қайд қилинишича, бу асар муаллиф томонидан мухлислар илтимосига кўра «Маслак ул-муттақин»нинг ўзбекча таржимасидир. Таржима деб аталган бўлса-да, ушбу икки асар бир-биридан тубдан фарқ қилувчи асарлар ҳисобланади. Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий араб тилида ёзган «Иҳё улум ад-дин» асарининг хулосаси ва таржимаси сифатида «Кимёи саодат» китобини ёзган бўлса, Сўфи Оллоёр форсий асарини оммага кенгроқ етказиш учун ўзбек тилида ёзди. Бу билан ушбу асарлари орқали XVII–XVIII асрларда анча орқада қолиб кетган диний-дидактик адабиётни қайта ривожлантирди.

Сўфи Оллоёр «Маслак ул-муттақин» асари орқали форсий адабиётда, «Сабот ул-ожизин» асари орқали туркий шеърятда диний-мазҳабий маснавийнависликни ривожлантирди. Икки тилда баравар ижод қилиб, минтақадаги зуллисонайлик – форсий ва туркийда ижод қилиш анъанасига муносиб ҳисса қўшди.

Сўфи Оллоёр зуллисонайн ижодкор сифатида форс ва ўзбек адабий алоқаларида ўзининг бетакрор ўрнини қолдирди. Унинг форсий ва туркий тилларда диний-дидактик адабиётни назмга солиб, содда ва оммабоп ёзганлиги ўзининг даврида ҳамда асрлар давомида икки халқнинг адабий алоқаларида алоҳида аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Zuhra Zarshinos. So'g'd tiliga umumiy bir nigoh. Fors tilidan Shokirjon Olimov tarjimasini va izohlari bilan. // «Sino», 2011, 37-38-39-40 sonlar, 4-35 b.

2. Qarang: Braginskiy I.S. K izucheniyu uzbeksko-tadjikskix literaturnix svyazey. / Vzaimosvyazi literatur Vostoka i Zapada. – Moskva, Izd.Vostochnoy literaturi, 1961. – S.9-10.

3. Qarang: Inoyatullo Suvonqulov. So'fi Allohyor. Toshkent, «Fan», 1995, 13–28-betlar. Yana: Rashid Zohid. «So'fi Olloyor haqida nimalar bilamiz?». «Sharq yulduzi» jurnali, 1990, 12-son; Rashid Zohid. Tarozu boriga iqrormiz bor. «O'zbekiston adabiyoti va san'ati» gazetasi, 1991, 8-son. Yana: I. Bekmurodov. «Kattaqo'rg'onning qisqacha tarixi». Samarqand, «Zarafshon», 1993 y., 9–10-sahifalar. Yana: Po'latjon domulla Qayyumov. «Tazkirai Qayyumiy». 3 jildlik, 1-jild. Toshkent, 1968, 61–62-betlar.

4. So'fi Allohoyor. Maslak ul-muttaqin. Konpur. «Navalkishvar», 1290 h.,35b., 29b. 28b., 607-608-b. 24b., 413-b., 18–19-betlar, 626-b.

5. So'fi Olloyor. Sabot ul-ojizin. – Toshkent.: «Mehnat» – 1991. 90b.

6. So'fi Allohoyor. Maslak ul-muttaqin. / Tarj. Qozixo'ja ibn Hafizxo'ja. Nashrga tayyorlovchilar: S.Sayfulloh, A.Dehqon. – T.: O'zbekiston, 2016. 420 b.

7. I.Suvonqulov. So'fi Olloyor va uning adabiy an'analari. – Filol. f.d. ilmiy darajasi uchun diss. – T., 1997.

8. R.Zohid. «Sabot ul-ojizin» – ilmiy-adabiy manba. – T.: Muharrir, 2011. 144 b.

9. Il' yasov G.R. Lingvopoeticheskie osobennosti proizvedeniya «Sabot al'-gadjizin» Allayara Sufi i «Risolai Gaziziya» G.Yasigulova. Diss. na soiskanie k.f.n. – Ufa, 2009.

10. Sabirov N.R. Rol' sufiyskix traditsiy v razvitii tatarskoy obshchestvennoy misli XVII–XVIII vv. Diss. na soiskanie k.i.n. – Kazan, 2010.

